

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАМРОҚУЛОВ БАҲОДИР МАМАШАРИФОВИЧ

**МАЪНАВИЙ ЗИЁНИ ҚОПЛАШ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**юримдик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Content of the doctoral (DSc) dissertation abstract

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович

Маънавий зиённи қоплаш асосларини такомиллаштириш3

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович

Совершенствование основ компенсации морального вреда
.....32

Hamrokulov Bahodir Mamasharifovich

Improving the basics of compensation for moral damage
.....61

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works
.....66

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.07/30.12.2019.Үн.22.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАМРОҚУЛОВ БАҲОДИР МАМАШАРИФОВИЧ

МАЪНАВИЙ ЗИЁННИ ҚОПЛАШ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.DSc/Yu117 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашининг веб-саҳифасида (www.tsul.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рашидов Комил Қаюмович
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Насриев Илхом Исмоилович
юридик фанлар доктори, профессор

Имомов Нурилло Файзуллаевич
юридик фанлар доктори, профессор

Абдурахмонова Хосиятхон Бахтиёржон кизи
юридик фанлар доктори

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги юристлар малакасини ошириш маркази

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил 14 октябрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36 факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар А.Темур кўчаси 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2020 йил 29 сентябрь куни тарқатилди.
(2020 йил __ сентябрдаги -----рақамли реестр баённомаси).

И.Р.Рустамбеков

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, юридик
фанлар доктори, профессор в.б.

Д.Ю.Хабибуллаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, юридик
фанлар номзоди, профессор

С.С.Гулямов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, юридик фанлар доктори,

профессор

КИРИШ (Докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали муҳофаза қилишнинг янгича ёндашувлари шаклланиб бормоқда. Бунда фуқарога етказилиши мумкин бўлган моддий зарарни қоплаш билан бирга, маънавий зиён учун компенсация тўлашнинг аниқ ва реал механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда амалда қўллашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, Европа Иттифоқи мамлакатлари ва АҚШда айрим йўналишларда маънавий зиён учун тўланадиган компенсацияларнинг миқдорларини аниқ белгилаб қўйиш анъанаси кузатилади. Масалан, бундай амалиёт Франция, Буюк Британия, Бельгия, Нидерландия, Италия каби давлатлар фуқаролик қонунчилигида белгиланган.

Жаҳон ҳуқуқшунослик амалиётида маънавий зиённи ундириш мажмуавий тусга эга бўлиб, турли ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган институт сифатида кўрилади. Бироқ маънавий зиён компенсациясининг асосий қоидалари, асослари ва тартиби фуқаролик қонунчилиги нормаларида ифодаланиши билан ажралиб туради. Шу сабабли муайн вазиятга нисбатан маънавий зиён мавжудлигини аниқлаш ва уни миқдорини белгилашда асосий мезон сифатида фуқаролик қонунчилик нормалари устуворлик касб этади. Бундан ташқари, жаҳон миқдорида амал қилувчи ҳуқуқий тизимларнинг аксариятида етказилган маънавий зиённи ундиришдаги муаммоларни ҳал қилиш, унинг миқдорини белгилашда хилма-хилликларни бартараф этиш мақсадида ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хусусан суд амалиёти учун муайян умумий тавсиялар ишлаб чиқишга эътибор қаратилади.

Бироқ шунга қарамасдан, ҳозирги замон амалиётида маънавий зиённи компенсациялашда ва унинг миқдорини аниқлашда асосий мезонлардан бири сифатида фуқаролик ҳуқуқидаги баҳоловчи категориялар: оқилоналик ва адолатлилиқ қўлланилмоқдаки, ҳар бир шахс буларни ўзича талқин этишига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли ҳам дунё ҳуқуқшунослик амалиётида мазкур категорияларни ҳуқуқни қўлловчилар учун очиб бериш, қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, рақамли реаллик шароитида интернет тармоғи орқали фуқароларга етказиладиган маънавий зиённи ундиришнинг самарали ҳуқуқий механизмларини яратиш каби муаммолар мавжуд.

Бугунги кунда мамлакатимиз суд амалиётида маънавий зиённи ундириш билан боғлиқ компенсация миқдорларида ўсиб бориш тенденцияси кузатилади. Маънавий зиён билан боғлиқ ишлар ва ундирилган компенсация миқдорлари йиллар кесимида қуйидагича: 2016 йилда 177702 та иш кўрилган ва 7 млрд. 149 млн. 091 минг 181 сўм ундириб берилган бўлса, 2017 йилда 198242 та иш кўрилган ва 6 млрд. 667 млн. 049 минг 411 сўм ундирилган, 2018 йилда 112035 та иш кўрилган ва 5 млрд. 752 млн. 353 минг 481 сўм ундирилган, 2019 йил 138229 та иш кўрилган ва 12 млрд. 874 млн 487 минг

638 сўм ундирилган, 2020 йилнинг биринчи ярим йиллигида 51897 та иш кўрилган ва 5 млрд. 741 млн. 554 минг 426 сўм ундирилган¹.

Ўзбекистонда маънавий зиён учун компенсация ундиришдаги асосий муаммолар маънавий зиён тушунчасининг легал таърифини шакллантириш ҳамда унинг миқдорини аниқлаш билан боғлиқдир. Кўп ҳолларда даъвогарлар томонидан маънавий зиён бўйича ундирилиши талаб қилинаётган сумма ва суд қарорларида ундирилган сумма ўртасидаги тафовут жуда катта. Бу ҳолат, биринчи навбатда, қонунчиликда маънавий зиённинг моҳиятини тушуниш ҳамда унинг миқдорини аниқлаш бўйича аниқ қоидаларнинг мавжуд эмаслиги билан алоқадор бўлса, иккинчидан, маънавий зиён мавжудлигини исботловчи аниқ далиллар ва исботларни тақдим этишнинг деярли имконсизлиги билан изоҳланади. Чунки, етказилган руҳий азоб ва (ёки) жисмоний оғриқлар нималарда намоён бўлиши, улар етказилганлиги қандай ҳужжатлар билан далилланиши борасида қонунчиликда аниқ кўрсатмалар мавжуд эмас. Илмий-назарий жиҳатдан маънавий зиёнга нисбатан ёндашувларнинг турли хиллиги, маънавий зиён келиб чиқиши мумкин бўлган муносабатлар доирасини белгилашда яқдилликнинг мавжуд эмаслиги, кўп ҳолатларда маънавий зиён руҳий азоблар билан боғлиқ бўлиши, руҳий изтиробларни ўлчашнинг аниқ мезонларини ишлаб чиқиш имконсизлиги боис маънавий зиён учун компенсация тўлаш миқдорлари ҳам нисбий кўринишда бўлиши каби муаммолар бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига кундалик қоида ва одат тарзида риоя этиш хусусида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев қуйидагича таъкидлайди: “биз жамиятимизда шундай ҳуқуқий маданиятни шакллантиришимиз керакки, унга мувофиқ Конституция ва қонунларга амал қилиш, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш мажбурият эмас, балки кундалик қоида ва одатга айланиши шарт².

Бундай концептуал ёндашувнинг исботи сифатида фуқароларнинг шаъни ва кадр-қимматни поймол қилганлик учун маънавий зиённи ундиришни талаб қилиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида белгиланганидек, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари барча нарсадан устун туриши билан боғлиқдир. Мамлакатимизда маънавий зиён учун компенсация ундириш борасида муайян қонунчилик шаклланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1995, 1996), Меҳнат кодекси (1995), «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (1996), «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги (2017), «Туризм тўғрисида»ги (2019), «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (2019), «Қасаба уюшмалари тўғрисида»ги (2019)

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2020 йил 14 июлдаги 07/14-182 – сон хати.

² Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод – келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир // Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқи / <https://uza.uz>

қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони¹, 2019 йил 5 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ф-5464 сонли Фармойишида белгиланган устувор йўналишларни амалга оширилишида ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Маънавий зиёни қоплаш асосларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва университетларида, жумладан University of Pennsylvania, University of Florida, Harvard Law School, University of Chicago, Princeton University, Yale University, Columbia University (**Америка Қўшма Штатлари**); University of Cambridge, Oxford University, Cornell University (**Буюк Британия**); University of British Columbia (**Канада**); Sarbonne University (**Франция**); University of Bergen Norway (**Норвегия**); Hebrew University of Jerusalem (**Исроил**); University of Brussels (**Бельгия**); Victoria University of Wellington (**Янги Зеландия**); Санкт-Петербург давлат университети, Москва давлат халқаро муносабатлар университети, Жанубий Урал давлат университети, Белгород давлат миллий тадқиқотлар университети (**Россия Федерацияси**); Тошкент давлат юридик университетида, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида (**Ўзбекистон**) олиб борилмоқда.

Маънавий зиёни қоплаш асосларини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари натижаларига кўра қуйидагилар олинган: жумладан, ҳарбий тўқнашувлар оқибатида жисмоний шахсларга етказилган маънавий зиёни ундириш масалалари ўрганилган (University of Pennsylvania); маънавий зиёнинг қиймати ва унинг ҳуқуқий муносабатларда стандарт кўрсаткичларини ҳисобга оладиган ёндашувлар ишлаб чиқилган (University of Cambridge); руҳий шикастланиш ва стресс оқибатида вужудга келадиган маънавий зиёни компенсациялаш масалалари ёритилган (Oxford University); шартномаларни бузиш оқибатида етказилган маънавий зиёни компенсациялаш муаммолари таҳлил қилинган (Harvard Law School); иш жойида руҳий тажовуз ва зўровонлик ҳамда улар билан боғлиқ бўлган руҳий азобларнинг ягона концептуал модели ишлаб чиқилган (University of Chicago); атроф-муҳитни ифлослантириш оқибатида етказилган маънавий

¹ «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2017 йил 13 февраль, 6-сон, 70-модда

² Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи <https://www.upenn.edu>; <https://www.cambridge.org>; <https://search.ufl.edu>; <https://www.ox.ac.uk>; <https://www.uchicago.edu>; <https://www.princeton.edu>; <http://www.tsul.uz> / ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

зиёни ундириш асослари тадқиқ этилган (Princeton University); психологик зиёни (жароҳат)ни компенсация қилиш суммаларининг миқдорларини белгилаш ишлаб чиқилган (Yale University); жиноий жазони ноқонуний қўллаш оқибатида етказилган маънавий зиёни компенсация қилиш масалалари очиб берилган (Columbia University); маънавий зиёнинг тиббий ва ҳуқуқий кўрсаткичлари аниқланган (Sarbonne University); ахлоқ ва маънавий зиён (жароҳат) масалалари ўрганилган (University of Bergen Norway); фуқаролик ишлари бўйича суд амалиётида маънавий зиёни компенсация қилиш усуллари аниқланган (Санкт-Петербург давлат университети); «маънавий зиён» тушунчасининг қиёсий ҳуқуқий таҳлили амалга оширилган (Москва давлат халқаро муносабатлари университети); шахсий номулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усули бўлган маънавий зиёни қоплашни такомиллаштириш механизми ишлаб чиқилган (ТДЮУ); фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда маънавий зиён миқдорини аниқлашнинг ўзига хос жиҳатлари кўриб чиқилган (ЖИДУ).

Ҳозирги пайтда дунёда маънавий зиёни қоплаш асосларини такомиллаштириш бўйича, жумладан қуйидаги йўналишларда қатор тадқиқотлар амалга оширилмоқда: давлат органлари томонидан етказилган маънавий зиёни компенсациялашнинг тартибга солиниши; маънавий зиёни миқдорини аниқлаш бўйича механизмларни шакллантириш; меҳнат муносабатларида етказилган маънавий зиёни ундириш; реабилитация натижасида жабрланганларга етказилган маънавий зиёни компенсациялашни такомиллаштириш ва ш.к.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маънавий зиёни компенсация қилиш билан боғлиқ муаммоларни ўрганишда мамлакатимиз олимлари – Ҳ.Р. Раҳмонқулов, И.Б. Зокиров, О.Оқюлов, Ш.Н. Рўзиназаров, Д.М. Караходжаева, Р.Ж. Рўзиев, К.Қ. Рашидов, С.С. Гулямов, И.Р. Рустамбеков, М.Х. Баратов, Н.Ф. Имомов асарлари таҳлил этилди.¹ Шунингдек, И.И. Насриев (шахсий номулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилишда маънавий зиёни қоплаш), И.Б. Якубова (Ўзбекистон ва Япония қонунчилиги бўйича шахсий номулкий ҳуқуқларнинг ҳимоя қилиниши доирасида маънавий зиёнинг қопланиши), М.М. Мамасиддиқов (меҳнат муносабатларида маънавий зиёни ундириш), С.Ф. Иноятова (маънавий зиёни қоплашнинг умумий масалалари), Н.Эгамбердиева (фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарларни қоплаш доирасида маънавий зиёни компенсация қилиш), Р.А. Хонназаров (номоддий неъматларга етказилган зарарни ундиришнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари)лар томонидан ҳам

¹ Раҳмонқулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг предмети, методи ва тамойиллари. Тошкент: ТДЮИ, 2003, Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. Рашидов К.Қ., Ҳамроқулов Б.М. Маънавий зарар. Ўқув қўлланма. Т.: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, 2007. - 288 б., Насриев И.И. Маънавий зарар, уни қоплашнинг айрим муаммолари // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. Журнал правовых исследований. Journal of Law Research. 2017. - №3., Мамасиддиқов М.М. Меҳнатга оид етказилган моддий ва маънавий зарарни судда ундиришнинг назарий ва амалий муаммолари. – Тошкент: АҚХМИ нашриёти, 2008., Иноятова С.Ф. Компенсация морального вреда: теория и практика // Внедоговорные обязательства: Материалы междунар. науч.- практ. конф. / Отв. Ред. М.К.Сулейменов. – Алматы: 2017.

етказилган маънавий зиённи ундириш бўйича тадқиқотнинг муайян бир қисми сифатида ўрганилган.

Хорижий мамлакатларда маънавий зиён учун компенсация ундириш асосларининг назарий ва амалий жиҳатлари А.М. Эрделевский, А.Т. Табунщиков, О.Е. Чернопол, В.С. Романов, С.В. Егизарова (Россия), Н.Д. Schmidt, E.Schneider, P.R. Handfort (Германия), Mc.Cormic, H.Street (Буюк Британия), Серджи Бэшу (Молдова), М.К. Сулейменов, Т.Т. Шыктыбаев, Ж.М. Турарова (Қозоғистон), Е.В. Лаевская, С.П. Олефиренколар (Беларусь) томонидан тадқиқ қилинган¹.

Юқорида номлари зикр этилган олимларнинг илмий ишлари маънавий зиён муносабатларининг муайян назарий ва амалий қирраларига бағишланган, айримлари эса маълум ижтимоий-иқтисодий ҳаёт муносабатларидан келиб чиқиб тайёрлангани инобатга олинди, улардан мазкур изланишга комплекс ҳуқуқий тартибга солиш ёндашуви нуқтаи назаридан диссертация манбаси сифатида ижодий фойдаланилди.

Шунингдек, мазкур манбаларнинг таҳлили мамлакатимизда маънавий зиённи компенсациялаш муносабатларининг назарий ва амалий масалаларига оид алоҳида комплекс тадқиқот олиб борилмаганини кўрсатди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Маънавий зиённи қоплаш асосларини такомиллаштириш» (2018–2021) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маънавий зиён мазмун моҳияти ҳамда уни компенсация қилиш миқдорини аниқлаш ҳамда маънавий зиённи ундиришнинг ҳуқуқий механизмларини ривожлантиришга оид асосий йўналишлар ва устувор жиҳатларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистонда маънавий зиённи компенсация қилиш муносабатларининг тарихий шаклланиши ва ривожланишининг босқичлари, маънавий зиённи компенсациялашга оид миллий қонунчиликнинг шаклланиш тенденцияларини ишлаб чиқиш;

фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули сифатида маънавий зиённинг комплекс ҳуқуқ институти эканлигининг моҳиятини, маънавий зиённи компенсациялаш муносабатлари субъектлари ва объектларини аниқлаш, фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик чораси сифатида маънавий зиённи компенсация қилишнинг адолатли ва самарали йўналишларини белгилаш;

¹ Табунщиков А.Т. Компенсация морального вреда: проблемы теории и практики // Вестник Белгородского юридического института МВД. 2016. №2., Эрделевский А.М. Компенсация морального вреда: анализ и комментарий законодательства и судебной практики. 3-е издание, исправленное и дополненное. – М.: Волтер Клувер, 2004., Aldis Laviņš Compensation for moral damages in civil cases // Judge of the Constitutional Court of the Republic of Latvia. Maetagusē 26 September 2019, Handfort P.R. Moral Damage in Germany, Серджиу Бэшу. Особенности возмещения морального вреда юридическому лицу // Внедоговорные обязательства: Материалы междунар. науч.- практ. конф. / Отв. Ред. М.К.Сулейменов. – Алматы: 2017., Турарова Ж.М. Возмещение морального вреда // Вестник Института законодательства Республики Казахстан. 2009.

айрим хорижий давлатларда маънавий зиённи компенсациялаш муносабатларининг тартибга солиниши ва суд амалиётини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилган ҳолда улар миллий қонунчиликка имплементациялаш истиқболларини ифодалаш;

рақамли реаллик шароитида интернет тармоғи орқали етказилган маънавий зиённи ундириш муаммоларини аниқлаш ва уларни ҳал этишнинг самарали механизмларини тавсифлаш;

маънавий зиён учун компенсация ундириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини такомиллаштиришнинг концептуал асосларини аниқлаш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

маънавий зиённи компенсациялаш асослари ва уни ундириш миқдорини белгилашга доир муаммоларнинг илмий ечимини топиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида маънавий зиён компенсация қилиш асосларига оид ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети маънавий зиён ва уни компенсация қилиш асосларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва тажрибаси ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида тарихий, тизимли-тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, аниқ социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, статистика маълумотлари таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

муружаатларни кўриб чиқишда давлат органи, ташкилоти ва улар мансабдор шахсларининг жисмоний шахсга етказилган маънавий зиённи компенсация қилиш чораларини кўриш мажбурияти мавжудлиги асосланган;

жисмоний шахснинг аризаси, шикоятни ана шу муружаатлар бўйича қонунга хилоф қарорлар қабул қилган давлат органи, ташкилот ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан қаноатлантирилган тақдирда уларга етказилган маънавий зиён компенсациялаш асослантирилган;

қонунга хилоф қарорлар қабул қилган давлат органи, ташкилоти ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан маънавий зиён компенсацияси ихтиёрий тарзда қопланмаган тақдирда, компенсация суд тартибида ундирилиши лозимлиги асосланган;

жисмоний ёки юридик шахснинг аризасини ёхуд шикоятини кўриб чиқишда қонун талаблари бузилганлиги муносабати билан унга етказилган маънавий зиённи компенсация қилиш сифатида давлат органи, ташкилот томонидан тўланган маблағлар айбдор шахсдан регресс тартибида ундириб олиниши лозимлиги асослантирилган;

маънавий зиён учун компенсация ундирилиши шахсий номулккий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматларни ҳимоя қилишнинг манбаи эканлиги концепциясини ривожлантириш ва шунга кўра, маънавий зиённи

ундириш ҳақидаги талабларга даъво муддати татбиқ этилмаслиги асослаб берилган;

маънавий зиённи компенсациялаш асослари комплекс тусга эга бўлгани ҳолда уни ундириш фуқаролик ҳуқуқий асосда амалга оширилишидан келиб чиқиб, қайси ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилганлигидан қатъий назар маънавий зиённи компенсациялаш фуқаролик-ҳуқуқий тартибида ҳал этилиши асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

цивилистика назарияси ва доктринаси асосида маънавий зиённи компенсациялаш комплекс тусга эга эканлиги, моддий зарарни ундирилишига боғлиқ эмаслиги, қайси ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқишидан қатъий назар руҳий азоб ва жисмоний оғриқлар кўринишида намоён бўлиши асослантирилган ҳамда шу асосда маънавий зиён компенсациялаш муносабатларига оид бўлган қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқилган;

маънавий зиённи компенсациялаш асосларини аниқлаштириш, бунда жабрланувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, яхлитлик ва қонунийликни таъминлашга қаратилган ҳамда соҳа қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга асос бўлиб хизмат қилувчи махсус қоидалар тизими шакллантирилган ва уларни тегишли қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

маънавий зиён миқдорини аниқлашда фуқаролик ҳуқуқидаги баҳоловчи категориялар: ҳалоллик ва адолатлилик билан бирга қўлланиладиган мутаносиблик мезони аниқлаштирилиб, ҳуқуқни қўллаш амалиётида маънавий зиён миқдорини аниқлаштиришга нисбатан ёндашувларни бир хиллаштиришга хизмат қилувчи тавсиялар тизими таклиф этилган;

республикада маънавий зиённи компенсациялаш соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш истиқболларини белгилаш, шунингдек мазкур соҳани ҳуқуқ соҳалари доирасида ўрганиш ва тараққиёт йўналишларини белгилаш мақсадида «Маънавий зиённи компенсациялаш мажбурияти» янги комплекс ҳуқуқ институти сифатида асослантирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари миллий қонунчилик ва халқаро ҳуқуқ нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, ҳуқуқшунослар орасида ўтказилган ижтимоий сўровноманинг анкета, интервью ва эксперт сўров шаклларида асослангани, статистика маълумотларини таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсифлар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялар келгусидаги илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни

қўллаш амалиётида, фуқаролик қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштиришда манба сифатида қўллашга ҳамда фуқаролик ҳуқуқи ва халқаро хусусий ҳуқуқ фанларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишга хизмат қилади. Тадқиқот натижаларидан янги илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қонун ижодкорлиги фаолиятида, хусусан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёнида, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда ҳамда олий юридик таълим муассасаларида хусусий ҳуқуқ соҳасидаги фанларни ўқитишда хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маънавий зиённи қоплаш асосларини такомиллаштириш тадқиқоти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

давлат органи, ташкилоти ва уларнинг мансабдор шахслари агар жисмоний ёки юридик шахсга унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилиши натижасида моддий зарар ёки маънавий зиён етказилган бўлса, қонунда белгиланган тартибда моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ёки маънавий зиённи компенсациялаш чораларини кўриши шартлиги тўғрисидаги таклиф «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида» Қонуни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг 2019 йил 20 июндаги 05/1-628-сонли далолатномаси). Мазкур таклиф жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан бир вақтда фуқарога етказилган маънавий зиённи компенсация қилишга оид давлат органлари, ташкилотлари ва улар мансабдор шахсларининг тегишли чоралар кўришга оид мажбуриятларини аниқлашга хизмат қилган;

жисмоний шахснинг аризаси, шикоятни ана шу мурожаатлар бўйича қонунга ҳилоф қарорлар қабул қилган давлат органи, ташкилот ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан қаноатлантирилган тақдирда уларга етказилган маънавий зиённи компенсациялаш тўғрисидаги таклиф «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида» Қонуни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг 2019 йил 20 июндаги 05/1-628-сонли далолатномаси). Мазкур таклиф давлат органи, ташкилоти ва мансабдор шахсларининг қонунга ҳилоф қарорлари оқибатида фуқарога етказилган маънавий зиённи компенсациялаш мажбурияти мазкур давлат органи зиммасига юкланиши қонунчиликда қатъий белгиланиши орқали фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини кучайтиришга имкон яратган;

қонунга ҳилоф қарорлар қабул қилган давлат органи, ташкилот ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан маънавий зиён компенсацияланмаганда уни ундириш суд тартибида амалга оширилиши тўғрисидаги таклифлар «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида» Қонуни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг 2019 йил 20 июндаги 05/1-628-сонли далолатномаси). Ушбу таклиф маънавий зиённи компенсациялаш тарафларнинг ўзаро келишувга кўра амалга оширилмаганида, суд тартибида белгиланиши (ундирилиши)га оид ҳуқуқий механизмлар ишлашини кафолатлайди;

жисмоний ёки юридик шахснинг аризасини ёхуд шикоятини кўриб чиқишда қонун талаблари бузилганлиги муносабати билан унга етказилган маънавий зиённи компенсация қилиш сифатида давлат органи, ташкилот томонидан тўланган маблағлар айбдор шахсдан регресс тартибида ундириб олинишига оид таклифлар «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида» Қонуни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг 2019 йил 20 июндаги 05/1-628-сонли далолатномаси). Мазкур таклиф айбдор шахсдан регресс тартибида маънавий зиённи компенсациялаш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини тўлдиришнинг ҳуқуқий чораларини белгилашга хизмат қилган.

маънавий зиён билан боғлиқ ишларни кўриб чиқишда унинг субъектлари доирасини аниқлаштириш, етказилган маънавий зиённи компенсация қилувчи жавобгарлар доирасини белгилаб олиш, ишга дахлдор бўлган жавобгар билан алмаштириш ёки бу шахсни қўшимча жавобгар сифатида жалб этилишига оид ҳамда маънавий зиён учун компенсация ундириш шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматлар ҳимоя қилишнинг манбаи эканлигидан келиб чиқиб даъво муддати жорий этилмайдиган талаблар сифатида маънавий зиённи ундириш ҳақидаги талаблар ҳам белгиланиши лозимлиги тўғрисидаги таклифлари Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги 34-сонли «Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг фуқаролик ишлари бўйича айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2019 йил 27 майдаги 11-52-19-сонли далолатномаси). Ушбу таклиф маънавий зиённи компенсациялашга нисбатан даъво муддатини жорий этилмаслиги масаласини аниқлаштиришга имкон берган;

маънавий зиённи ундириш бўйича талаб қайси ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқишидан қатъий назар, бундай ишлар фуқаролик-ҳуқуқий тартибда

ҳал этилишига оид таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги 35-сонли «Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги Қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2019 йил 27 майдаги 11-52-19-сонли далолатномаси). Мазкур таклиф маънавий зиённи компенсациялашга оид талаб қайси ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқишидан қатъий назар фуқаролик-ҳуқуқий тартибда ундириш тартиби қўлланилишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 7 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция ва семинарларда синовдан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 39 та илмий иш, жумладан, миллий журналларда 21 та, халқаро журналларда 2 та, илмий анжуманларда 14 та, шунингдек 1 та монография, 1 та ўқув қўлланма чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 272 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг «**Маънавий зиённи қоплаш асослари ривожланиш тенденцияларининг генезиси ва ҳуқуқий тавсифи**» деб номланган биринчи бобида қадимги Туронда ва ислом ҳуқуқида маънавий зиённи қоплашга оид таълимотларнинг аҳамияти ва моҳияти, Ўзбекистоннинг Мустақилликкача бўлган даврда маънавий зиённи компенсация қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий асослари мазмуни, Мустақиллик йилларида маънавий зиён компенсациясига оид фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларининг шаклланиши каби масалалар тадқиқ этилган.

Мамлакатимиз ҳудудида кишининг шаъни, қадр-қиммати ва обрўсига путур етказиш, у тўғрисида ҳақиқатга тўғри келмайдиган бўҳтон тарқатиш оқибатига қадимда шаклланган ахлоқ қоидалари асосида баҳо берилган. Бунда кишилар ўртасида шаклланган юриш-туриш қоидалари ва давлатнинг

тегишли қонунлари асосида улар тўғрисидаги ҳақорат, бўҳтон, ёлғон учун жавобгарлик тайинланган.

Ўзбекистон халқлари тарихида муҳим ўрин тутган диний-ахлоқий ва ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган «Авесто» китобида шахснинг ахлоқий жиҳатдан мукамал бўлиши талаб этилган ҳамда берилган қасамга содиқлик ва аҳдга собитлик юқори баҳоланган. Авестода маънавий тўғри фикрда, сўзда ва ишда бўлиши талаб этилган. Эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу иш (humata, huxta, hvarshta) Авестонинг асосий принциплари саналган. Бунга риоя қилмаслик қатъий жазоланган.

Авестода маънавий зиён муносабатлари объектлари бўлган инсоннинг саломатлиги, шаъни, қадр-қиммати, обрў-эътибори эъзозланган ва яратувчи томонидан инъом этилган буюк неъмат деб қаралган. Уларга қарши содир этилган ҳар қандай тажовуз аёвсиз жазоланиш билан бирга, рухий изтироблари учун товон пули ундиришга оид қоидалар белгиланган.

Ислом ҳуқуқи ва дини инсоннинг шаънини, қадр-қимматини ва унинг бошқа шахсий номулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлайди. Агар инсонни ушбу ҳуқуқлари паймол қилинадиган бўлса шариатда ҳуқуқбузарга нисбатан жазо тайинланади. Қуръонда «Ҳар бир обрў тўқувчи ва айбловчига «вайл» бўлсин» (Хумаза сураси, 1-оят) деб кўрсатилган. Исломда бошқа шахс хусусида ҳақиқатга тўғри келмайдиган ҳар қандай маълумотни тарқатиш таъқиқланади, жумладан, «Албатта, покиза, ғофила ва мўмина аёлларга (бўҳтон) тоши отганлар, бу дунёю охиратда лаънатланурлар. Уларга катта азоб бордир» (Нур сураси, 23-оят) деб белгиланади.

Инсон шаъни, қадр - қимматини ва обрўсини ҳимоя қилишга қаратилган Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг ушбу ҳадислари бизгача етиб келган. «Бир мусулмоннинг шаъни, мулки ва қони бошқа мусулмон учун таъқиқланади. (Аллоҳнинг элчиси ўзининг юрагини кўрсатиб) Бу ерда Аллоҳдан кўрқиш ётади. Мусулмонни ҳақоратлаш гуноҳкорликдир», ёки бошқа бир ҳадисда «Мусулмон мусулмонга акадир. Шу сабабли у унга зарар етказмайди, уни ёрдамсиз қолдирмайди ва ҳақоратламайди. Мусулмонни ҳақоратлаш гуноҳкорликдир».

Ислом ҳуқуқида фуқарога етказилган маънавий зиён учун товон ундиришнинг дастлабки кўринишлари қонли қасос олиш, дия (хун), кечирим сўраб томонларнинг ярашуви орқали намоён бўлган.

Ҳозирги замон ислом давлатлари ҳуқуқини ўрганиш натижасида, айрим давлатлар қонунларида, жумладан, Миср, Жазоир, Марокаш, Сурия ва Иордания давлатлари қонунларида фуқарога етказилган маънавий зиён учун пул ундиришни тартибга солувчи нормалар ўз ифодасини топганлиги аниқланди.

Тадқиқот ишида Ўзбекистоннинг Мустақилликкача бўлган даврда маънавий зиён учун компенсация тўлашнинг фуқаролик-ҳуқуқий асослари масаласи икки даврга бўлиб ўрганилган бўлиб, биринчи давр – совет ҳокимияти ўрнатилгунга қадар ва иккинчи давр – собиқ совет ҳукумати ҳукмронлик қилган даврлар. Дастлабки даврда маънавий зиённи мавжудлигини ҳар томонлама асослаган олимларнинг, хусусан

И.А.Покровский, С.А.Беляцкий, А.С.Кривцов, С.И.Раевич, И.С.Вольман, Н.Э.Марков, Б.Лапицкийнинг ҳуқуқий қарашлари асосида ёритилган бўлса, иккинчи даврга келиб маънавий зиён мавжудлиги буткул инкор этилган.

Собиқ совет иттифоқида номоддий бойликларга етказилган маънавий зиённи ундириш тарафдорларининг асосий ғояси зиённи пул кўринишида баҳолашдан иборат бўлмаган. Улар, биринчи навбатда, ҳуқуқбузарга мулкий тусга эга ҳаракатларни бажариш мажбуриятларини юклашга урғу берган ва бунинг натижасида ҳуқуқлари ёки қадриятлари бузилган одам руҳиятига етказилган салбий таъсирни тўлиқ ёки қисман бўлсада енгиллаштириш имконини берувчи ижобий ҳиссиётлар шаклланиши сифатида кўрилган.

Диссертацияда бу даврда маънавий зиён масаласини тадқиқ этган кўплаб ҳуқуқшунос олимлар (А.Зейц, О.А.Пешкова, Н.С.Малеин, С.Н.Братусь, В.А.Тархов, В.Т.Смирнов, А.А.Собчак, К.Б.Ярошенко, А.Белякова, Е.А.Суханов)нинг асарлари таҳлил қилиниб, ўша даврда маънавий зиённи компенсациялаш ғоясига қарши энг асосий ва жиддий далил сифатида маънавий зиённи объектив баҳолашнинг имкони йўқлиги ёки баҳолаш жуда мушкул эканлиги келтирилиб ўтилган.

Мустақиллик йилларида маънавий зиённи компенсациялашга оид фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларининг шаклланиши айрим қонунларнинг қабул қилиниши билан бошланган бўлса, Фуқаролик кодексининг қабул қилиниши ва кучга кириши билан мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга бўлди. Шу билан бирга, маънавий зиённи компенсациялаш масалалари Меҳнат кодекси, Оила кодекси, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги ва бошқа кўплаб қонунларда ўз ифодасини топганлиги ишда таҳлил қилинган. Бунда муаллиф Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида маънавий зиённи компенсациялаш муносабатлари мамлакатимиз Мустақилликка эришганидан сўнг тартибга солина бошланганлигини таъкидлайди ва бундай муносабатлар мукамал эмаслиги сабабли уларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларни такомиллаштириш керак, деган хулосага келади ва қонунчиликни маромига етказиш юзасидан асосланган таклифларни баён этади.

Жумладан, ҳозирги кунда қонунчилигимизда қўлланилаётган «маънавий зиённи қоплаш» жумласидаги «қоплаш» сўзининг луғавий маъноси таҳлил этилганда, ушбу атама ҳақиқий зарарга нисбатан қўлланиладиган термин эканлиги аниқланди. Маънавий зиённинг аниқ миқдорини ўлчаш ва аниқлаш мумкин бўлмаганлиги, етказилган маънавий зиённи ундириш компенсаторлик чораси сифатида қаралиши ҳамда «компенсация» сўзи луғавий маъноси ўрганилиши натижасида «Маънавий зиённи қоплаш» иборасининг ўрнига «маънавий зиён учун компенсация тўлаш» иборасини қўллаш асослантирилди.

Тадқиқотнинг иккинчи боби – **«Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари тизимида маънавий зиён компенсациясининг цивилистика табиати»** деб номланади. Унда фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя

қилиш усули тизимида маънавий зиён компенсацияси тушунчаси, моҳияти ва принциплари, маънавий зиён етказилганлик учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг шартлари, асослари ва элементлари, шартномавий мажбуриятларда маънавий зиён компенсациясининг ҳуқуқий кафолатлари каби масалалар таҳлил этилган.

Маънавий зиённи компенсациялаш фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг усулларида бири сифатида Фуқаролик кодекси 11-моддасига биринчи бор киритилганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Бунда фуқаро ўзига маънавий зиён етказилган деб ҳисоблайдиган бўлса, Фуқаролик кодекси ва Фуқаролик процессуал кодекси талабларидан келиб чиқиб, ўзига етказилган маънавий зиённи компенсациялашни талаб қилиб судга мурожаат этиши мумкин.

Диссертацияда ҳуқуқни ҳимоя қилиш усулида сифатида маънавий зиённи компенсациялашга оид хорижлик ҳуқуқшунос олимлар (Jonathan Shay, Pat McInerney, Kevin Caplis, Aldis Laviņš, Yves-Louis Sage, Bernard Mariscal)нинг илмий қарашлари ўрганилиб, маънавий зиён одатда жисмоний шахсга етказилган руҳий изтироблар ва азоб укубатлар кўринишда намоён бўлиши ва маънавий зиён вужудга келишининг айрим объектлари сифатида шаън, кадр-қиммат, яқин кишининг йўқотилиши ҳамда ҳаёт ва соғлиққа етказилган зиёнлар эътироф этилиши асослантирилади. Амалга оширилган таҳлиллар асосида муаллиф маънавий зиёнга оид бузилган фуқаролик ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усули сифатида, ҳуқуқи бузилган шахс учун ўзига хос «юпанч», «қайғуни аритиш воситаси», «дарди ариди» сифатида кўриниши ва кишига етказилган ҳар қандай руҳий азоб ва изтиробларга қарши «даво» чораси сифатида амал қилади, деган хулосага келади.

Тадқиқотда таъкидланишича, Ўзбекистон қонунчилигида маънавий зиёнга оид айрим қоидалар, уни миқдорини белгилашга нисбатан кўрсатмалар ва талаблар белгилангани ҳолда маънавий зиён тушунчасига нисбатан қонуний таъриф назарда тутилмаган. Диссертацияда «маънавий зиён» жумласи ўрнига «руҳий зарар» қўлланиши лозимлиги юзасидан билдирилган ҳуқуқшунос олимларнинг (И.Насриев, А.М.Эрделевский, А.Т.Табунщиков) илмий қарашлари/тавсиялари ва «маънавият», «маънавиятли» сўзларининг луғавий маънолари ўрганилиши натижасида қонунчиликда «маънавий зиён» жумласини қўлланиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисобланди. Тадқиқотда айрим хорижий давлатлар (Қозоғистон, Украина)нинг қонунчилиги ва ҳуқуқшунос олимлар (О.Оқюлов, А.В.Терещенко, Р.А.Хонназаров)нинг фикрлари ҳамда суд амалиёти материаллари таҳлил қилиниб, «маънавий азоб» сўз бирикмасини «руҳий азоб» тарзида берилиши мақсадга мувофиқлиги асослантирилди. Шу жиҳатдан муаллиф Фуқаролик кодексига «Маънавий зиён» номли 14¹-модда киритишни асослаб, мазкур модданинг муаллифлик таҳририни таклиф этади.

Диссертацияда маънавий зиённи компенсациялаш муносабатларидаги қонунийлик, адолатлилик, оқилоналик, мутаносиблик, шахсий номулкий ҳуқуқларни ҳурмат қилиш ва бошқа принциплар таҳлил қилинган.

Маънавий зиёни компенсациялашга асос бўлувчи ҳолатларга жабрланувчи маънавий озорларни ўз бошидан кечириши, айбдорнинг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), маънавий зиён ва қонунга хилоф ҳаракат (ҳаракатсизлик) ўртасида сабабий боғланишнинг мавжудлиги ва ҳуқуқбузар айбининг мавжудлиги киради. Улардан энг асосийси ноқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этган шахснинг айби мавжудлигидир (айбидан қатъий назар маънавий зиёни қопланиши ҳолатлари бундан мустасно). Маънавий зиён учун компенсация талаб қилганда, зиён етказган шахс ўзининг айбсиз эканлигини исботлаши лозим бўлади. Бунда жабрланувчи ўзига маънавий зиён, яъни етказилган руҳий азоб ва жисмоний оғриқлар мавжудлигини асословчи далилларни тақдим этиши талаб этилса, зиён етказувчи ўзининг айбсиз эканлигини исботловчи далилларни тақдим этиши зарур ҳисобланади. Зиён етказувчининг айбсиз эканлиги фақат унинг ўзи томонидан исботлансагина суд маънавий зиёни ундириш тўғрисидаги даъвои қаноатлантиришни рад этиши мумкин.

Тадқиқот ишида ёзилишича, фуқаронинг руҳий азобларни бошидан ўтказиши унинг руҳияти ва соғлиғига қисман ёки тўлиқ таъсир қилади. Руҳий соғлиқ фуқаронинг туғилганидан бошлаб унга тегишли бўлган номоддий неъмат ҳисобланади. Фуқаронинг руҳий дунёсига зиён тўғридан-тўғри ноқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик натижасида эмас, балки фуқарога тегишли бўлган бирон бир ҳуқуқига тажовуз қилиниши натижасида етказилади.

Диссертацияда маънавий зиёни компенсациялаш усулига оид Фуқаролик кодекси ва Меҳнат кодекси ўртасидаги зиддиятга эътибор қаратилиб, Меҳнат кодекси маънавий зиёни компенсациялашнинг бошқа «моддий» шаклдаги усулини ҳам назарда тутиши, шу сабабли қонун чиқарувчи моддий шакл деганда, мулкӣ қийматга эга бўлган товар бериш орқали етказилган маънавий зиёни компенсациялашни назарда тутаётганлигидан ҳамда маънавий зиён фақат пул билан компенсация қилиниши, пул барча нарсанинг эквиваленти эканлигидан келиб чиқиб, Меҳнат кодексига тегишли ўзгартириш киритиш таклифи илгари сурилади.

Тадқиқотда маънавий зиёни компенсациялаш муносабатларида даъво муддатини қўллаш борасида, агар маънавий зиён фуқаронинг шахсий номулкӣ ҳуқуқлари ва бошқа номоддий неъматлари бузилиши оқибатида етказиладиган бўлса, уни ундиришни сўраб судга мурожаат қилиш учун даъво муддати қўлланилмаслиги кераклиги асослантирилган. Бироқ тажовуз қилинган объект мулкӣ ҳуқуқлар ҳисобланса, бундай ҳолатда етказилган маънавий зиён учун компенсация ундиришда қонунчиликда белгиланган уч йиллик даъво муддати қўлланиши лозимлиги илмӣ ва амалӣ асослаб берилган.

Маънавий зиён муносабатлари субъекти сифатида жисмонӣ шахс эътироф этилиши ишда асослантирилади ва фуқаронинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати даражасининг бунда аҳамиятга эга бўлмаслиги, зиён миқдорини аниқлашда эса бу ҳисобга олиниши мумкинлиги очиб берилади.

Юридик шахснинг ишчанлик обрўсини ҳақоратловчи маълумотларнинг тарқатилиши натижасида унга маънавий зиён етказилиши мумкин эмаслиги таҳлил этилган. Айрим ҳуқуқшуносларнинг юридик шахсга нисбатан маънавий зиён етиши мумкинлиги борасида қарашлари танқид қилиниб (Серджи Бэешу), шу асосда Фуқаролик кодексининг 100-моддаси тўққизинчи қисмининг охирига «маънавий зиён компенсацияси бундан мустасно» жумласини киритиш ғояси илгари сурилади. Шу боис Фуқаролик кодексининг 1021-моддаси иккинчи банди учинчи хатбошиси «зиён фуқаронинг ор-номус, кадр-қиммат ва ишчанлик обрў-эътиборини ҳақоратловчи маълумотларни тарқатиш туфайли етказилган бўлса» таҳририда баён этиш кераклиги таклиф этилади.

Диссертацияда маънавий зиённи компенсациялаш объекти фуқаронинг шахсий номулкий ва номоддий неъматлари ҳамда мулкый ҳуқуқлари бўлиши мумкинлиги таъкидланади. Фуқарога нисбатан содир этилган ҳар қандай қонунга хилоф ҳаракат (ҳаракатсизлик) оқибатида унга маънавий зиён етказилиши мумкин. Агар маънавий зиён фуқаронинг фақат шахсий номулкий ҳуқуқлари ва бошқа номоддий неъматларига тажовуз қилиниши оқибатида етказилади деб фараз қилинса, унда фуқаронинг моддий неъматларига қилинган тажовуз натижасида етказилган маънавий зиённи компенсациялаш масаласи назардан четда қолади. Маънавий зиён қонун билан қўриқланадиган моддий ва номоддий неъматларга тажовуз қилиниши натижасида келиб чиқиши мумкинлиги асослантирилди.

Муаллифнинг таъкидлашича, маънавий зиён нафақат деликт муносабатларида балки шартномали мажбуриятларда ҳам қўлланилиши, шу сабабли маънавий зиённи компенсациялаш ўзига хос комплекс ҳуқуқ институти эканлиги асослантирилади. Зеро жисмоний шахс томонидан товар (иш, хизмат кўрсатиш) учун тузилган ҳар қандай шартнома шартлари тегишли тартибда бажарилмаса унга нафақат моддий зарар балки маънавий зиён ҳам етказилиши мумкин.

Маънавий зиён шартноманинг бир тарафи фуқаролар бўлган чакана олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, энергия таъминоти, кўчмас мулкни сотиш, маиший ва қурилиш пудрати, тиббий хизмат кўрсатиш, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш, йўловчи, багаж ва юк ташиш шартномалари ва Фуқаролик кодексида назарда тутилган бошқа турдаги шартномалардан келиб чиқиши мумкин. Маънавий зиённи келиб чиқишига асосий сабаб шартнома имзолаган томонлардан бири ўзига юклатилган мажбуриятни лозим даражада бажармаслигидир.

Диссертациянинг **«Хорижий давлатларнинг маънавий зиённи компенсация қилишга оид қонунчилик асосларининг хусусиятлари»** деб номланган учинчи бобда маънавий зиён компенсацияси бўйича мажбуриятнинг вужудга келиш асослари тўғрисида айрим хорижий давлатлар қонунчилигининг қиёсий-ҳуқуқий нисбати, маънавий зиён учун компенсация миқдорини аниқлашда айрим Европа давлатларининг тадрижий такомилли, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатларида маънавий зиённи

компенсация қилишга оид фуқаролик қонун ҳужжатларининг концептуал хусусиятлари ўрганилган.

Тадқиқотда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция ва бошқа ривожланган давлатларда маънавий зиёни компенсациялашнинг доктринал масалалари миллий қонунчилик билан қиёсий-ҳуқуқий нисбати ўрганилди. Юридик адабиётларда англо-америка суд амалиётида шаклланган руҳий изтиробларни компенсациялаш миқдорини аниқлаш масаласини ҳал этишга нисбатан учта умумназарий ёндашув – концептуал, шахсий ва функционал ёндашувлар таҳлил этилди.

Бельгия, Нидерландия, Италия, Австрия ва Швейцария давлатларининг маънавий зиёни компенсациялашга оид муносабатларини тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва суд амалиётини ўрганилиб, оғриқ, мажруҳлик, ҳаёт қулайликларидан маҳрум бўлиш ва бошқа шу каби номоддий зиёнлар учун мутаносиб миқдорда компенсация тўланиши кераклиги асослантирилади. Бу ерда асосий эътибор жароҳат тури ва унинг жиддийлиги, жабрланувчининг доимий меҳнатга қобилиятсиз бўлиб қолиш даражаси ва унинг ҳаёт қулайликларидан маҳрум бўлиши каби омилларга қаратилган. Зикр этилган мазкур Европа давлатларида маънавий зиёни компенсациялаш тизими яхши ишлайди ва бу ушбу давлатларда фуқароларнинг мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлари ҳар тарафлама химояланганидан далолат беради.

МДХ давлатларининг барчасида маънавий зиёни компенсация қилишга оид қонунчиликнинг ривожланиш жараёни давом этмоқда. Ушбу давлатлар қонунчилигининг маънавий зиёни компенсациялашга доир қуйидаги хусусиятларини кўрсатиб ўтиш мумкин: биринчидан, маънавий зиёнинг миқдори жабрланувчига етказилган жисмоний ва руҳий азобларнинг хусусиятига ва зарар етказувчининг айби даражасига қараб аниқланишига оид умумий норма белгиланганлиги (Россия, Беларусь, Қозоғистон, Тожикистон); иккинчидан, маънавий зиён субъектлари доирасига юридик шахслар ҳам киритилганлиги (Қирғизистон, Туркманистон), учинчидан, айрим ҳолатларга нисбатан маънавий зиёнинг энг юқори миқдори (Арманистон) ва энг кам миқдори (Қозоғистон) белгиланганлиги, тўртинчидан, барча давлатлар учун хос бўлган умумий жиҳат – судлар томонидан маънавий зиёнинг компенсация миқдорини аниқлашда оқилоналик ва адолатлилик талаблари эътиборга олиниши лозимлиги назарда тутилган.

«Маънавий зиён компенсацияси ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг замонавий тенденциялари» – деб номланадиган диссертациянинг тўртинчи бобида маънавий зиён компенсацияси миқдорини баҳолашнинг адолатли мезонлари ва методик таъминлаш зарурияти, рақамли реаллик шароитида интернет тармоғи орқали етказилган маънавий зиёни компенсация қилиш самарадорлигини ошириш масалалари, маънавий зиён компенсациясининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш истиқболлари таҳлил этилади.

Маънавий зиёни компенсация миқдорини аниқлаш масаласи ҳозирги кунда цивилистлар олдида турган асосий муаммолардан биридир. Ушбу муносабатлар ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан тўлиқ ўз ечимини топмаган. Маънавий зиёни компенсация қилишни тартибга солишга қаратилган нормаларда унинг миқдори белгилаб берилмаган. Натижада амалиётда ва назарияда мутахассислар томонидан турли фикр-мулоҳазалар билдирилишига олиб келмоқда. Муаллиф томонидан фуқаролик ишлари бўйича судьялар ўртасида ўтказган анкета сўровларида, 100 га яқин респондентдан аксарияти маънавий зиёни компенсация миқдорини аниқлашдаги мезонлар ва уни белгилашдаги муаммолар сифатида аниқ бир хилдаги ёндашувнинг мавжуд эмаслиги, асосий мезон эса судьянинг ички ишончи ҳисобланишини кўрсатиб ўтишган.

Қонунчиликда маънавий зиён миқдорини белгилаш ваколати судларга берилган. Муаллифнинг фикрича, бундай қилинишига сабаб маънавий зиён - субъектив ва индивидуал характерга эгаллиги, унинг миқдорини белгилаш кўп омилларга боғлиқ бўлганлигидир.

Тадқиқот натижасига кўра, маънавий зиёни ундириш фуқаролар учун асоссиз бойлик орттириш манбаи бўлиши керак эмас. Қонунчиликда ва суд ҳужжатларида маънавий зиён компенсация миқдорининг чегаралари кўрсатилмаганлиги натижасида даъвогарлар ариза беришда судлардан аниқ асосланмаган суммаларни жавобгардан ундириб беришни талаб қилишмоқда.

Диссертацияда маънавий зиённинг миқдорини белгилаш мезонлари бўйича юридик адабиётларда билдирилган илмий ёндашувлар таҳлил этилиб, мезонларни икки гуруҳга бўлган ҳолда шакллантириш таклифи илгари сурилади. Биринчи гуруҳда шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсига путур етказилиши оқибатида етказилган маънавий зиённинг миқдорини белгилаш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган амалдаги баҳолаш тизимида ифодаланса, иккинчи гуруҳда фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига зиён етказилганда ҳамда ноқонуний жиноий мажбурлов чораларининг қўлланилиши оқибатидаги маънавий зиёни компенсация қилишнинг аниқ миқдорларини қатъий белгилаш тизимида намоён бўлади.

Амалга оширилган таҳлиллар асосида муаллиф Фуқаролик кодексига «соғлиққа шикаст етказилиши оқибатида маънавий зиён учун компенсация миқдори» номли 1010¹ – модда, «айбсиз деб топилган ва реабилитация этилганларга етказилган маънавий зиён учун компенсация миқдори» номли 1022¹-модда киритишни таклиф қилади.

Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд органларининг фуқароларга нисбатан ҳар қандай қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида етказган маънавий зиён ундирилиши лозим. Компенсация миқдорини аниқлашда қонунга хилоф тарзда озодликдан маҳрум этилган жабрланувчининг индивидуал хусусиятлари, унинг камоқдаги шароит, руҳий ҳолати ва иш учун аҳамиятли бошқа жиҳатлар эътиборга олиниши керак.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг 2007 йил 28 мартдаги 32 Қоидаларига мувофиқ тасдиқланган «Адолатли компенсация талаблари

тўғрисида»ги Амалий йўриқнома 3-бўлимида фуқароларга етказилган маънавий зиён компенсация миқдорига оид муайян талаблар таҳлил этилди. Унга мувофиқ, Европа суди томонидан белгиладиган маънавий зиён номоддий неъматга нисбатан тажовуз натижасида етказилган жисмоний ва руҳий изтиробларни пул шаклида компенсация тўлаш кўринишида намоён бўлади. Агар маънавий зиён етказилганлиги аниқланса, Европа суди тегишли пул компенсациясини белгилаши мумкин, тўланиши лозим бўлган пулнинг миқдори адолат принципи ва мавжуд амалиётни ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Етказилган маънавий зиён учун компенсация олиш истагида бўлган жабрланувчилар ўзлари адолатли деб ҳисоблайдиган пул суммасининг миқдорини кўрсатишлари лозим.

Муаллифнинг ёзишича, кейинги йилларда инсоният ҳаётини интернет, ижтимоий тармоқлар-телеграмм, фейсбук, ташкилотлару-фуқароларнинг сайтларисиз тасаввур этиб бўлмай қолди. Айниқса, глобал интернет тармоғининг жадаллашуви компьютерлар, планшетлар, смартфонлар ривожланиши олиб келдики, бу ўз навбатида, кишиларнинг шахсий номулкий ҳуқуқларига бўлган янги таҳдидлар ва хавф-хатарлар вужудга келишига замин яратди. Электрон воситалар бўлган телефон ва планшетлар бажарадиган функциялар сони ва улар томонидан амалга ошириладиган электрон операцияларнинг кўламини ошиши ҳам ушбу жараёнга сезиларли таъсир кўрсатади. Мазкур ҳолат юриспруденция олдида интернет тармоғидаги ахборот алмашинувини ҳуқуқий тартибга солиш ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга оид қоидаларни ишлаб чиқиш вазифасини кўйди.

Диссертацияда бир қатор миллий ва хорижий мамлакатлар олимлари ҳамда мутахассислари (Ш.Рўзиназаров, И.Р.Рустамбеков, З.В.Вешкурцева, К.М.Беликова, А.В.Плотников, Ф.Истербрук (Frank H. Easterbrook), Л.Лессиг (Lawrence Lessig))нинг илмий фикр-мулоҳазалари таҳлил қилиниб, кибер ҳуқуқ доирасида маънавий зиён учун компенсация тўлашнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва тегишли механизмларини белгилаш мақсадида Фуқаролик кодексига тегишли қўшимча ўзгартишлар киритиш таклиф этилди.

Амалдаги қонунчиликда интернет тармоғи орқали фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар тарқатилишига чекловлар бўлишига қарамасдан, бу ҳолатлар тез-тез содир бўлмоқда. Бунда асосий муаммо етказилган маънавий зиён учун компенсация талаб қилишда зиён етказувчини аниқлашда намаён бўлади. Бу интернет тизимида ўзга шахс номидан ёки мутлақо сохта ном остидаги сайт очиш, хабар қолдириш ёки одатдаги тарзда аниқлаш мумкин бўлмаган мураккаб тизимли маълумотлар қолдириш билан боғлиқ. Агар ижтимоий тармоқларда фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотларни қолдирган шахс кимлиги аниқ бўлмаса, уни фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар орқали топиш мумкин бўлмоқда.

Маънавий зиён учун компенсация ундиришнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш истиқболларини таҳлил этишда муаллиф маънавий зиённинг компенсация миқдорини аниқлашнинг мезонлари ва тартибини, талаблари ва асосларини такомиллаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётида маънавий зиённи компенсация миқдорини белгилашда бир хил ёндашувни таъминлашга уриниш юриспруденциянинг, хусусан хусусий ҳуқуқ фани ва амалиёти олдидаги вазифалардан бири эканлигини таъкидлайди. Ишда ёзилишича, айрим хорижий мамлакатлар (Арманистон, Грузия, Германия, Франция) қонунчилигида маънавий зиён компенсация миқдори бўйича аниқ ва қатъий мезонлар мавжуд эмас. Бироқ, шундай давлатлар борки, улар қонунчилигида маънавий зиён учун компенсация миқдорини аниқлаш юзасидан бошқа давлатларнинг қонунчилигига нисбатан кенгроқ изоҳ берилган ва ҳуқуқни қўлловчи учун кўрсатмалар санаб ўтилган (Буюк Британия, Италия, Украина).

Диссертацияда маънавий зиён учун компенсация миқдорини аниқлашда Фуқаролик кодексининг 1022-моддасига қўшимча мезонлар, талабларни киритиш ва уни янги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқлиги асослантирилади.

Тадқиқот ишида суд амалиёти материаллари, шунингдек мавжуд юридик адабиётлар (А.А.Хасанов, О.Г.Селихова) таҳлил қилиниб, шахсий номоддий неъматларга тажовуз қилиниши оқибатида етказилган маънавий зиён компенсациясига оид Фуқаролик кодексига янги 100¹-моддани киритиш таклиф этилади.

Маънавий зиённи компенсация қилишга оид Фуқаролик кодекси нормалари жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари сифатида такомиллаштирилиши зарур. Чунки, Фуқаролик кодексининг 57-боби 4-параграфида маънавий зиён билан боғлиқ муҳим масалалар, яъни маънавий зиён айнан фуқаролик ҳуқуқининг қайси субъектига, фуқаро ёки юридик шахс учун компенсацияланиши, фуқарога етказилган маънавий зиённи компенсация миқдори ва асослари қайси қонунчиликда ўрнатилганлиги, фуқаронинг мулкӣ ҳуқуқларига тажовуз этилганда, маънавий зиён учун компенсация тўлаш каби жиҳатлар назарда тутилмаган. Мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб, диссертацияда Фуқаролик кодексининг 57-боби 4-параграфидаги моддалар янги таҳрирда белгилаш таклиф этилади.

Комплекс ҳуқуқ институти сифатида маънавий зиён учун компенсация ундириш фуқаролик, меҳнат, жиноят ва бошқа ҳуқуқ соҳаларининг нормаларида ифодаланади ва тартибга солинади. Бир ҳуқуқ соҳаси доирасидан четга чиқиши ҳамда бир вақтнинг ўзида бир нечта ҳуқуқ соҳаларининг институти сифатида маънавий зиённи компенсация қилиниши ўзининг комплекслигини кўрсатади.

ХУЛОСА

«Маънавий зиённи қоплаш асосларини такомиллаштириш» мавзусида олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий-назарий, қонун

ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга оид хулосаларга келинди:

I. Илмий-назарий хулосалар:

I.1. Ўзбекистон ҳудудда маънавий зиённи компенсациялашга оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш тизимли таҳлил қилиниб, қадимги Туронда дастлаб одат ҳуқуқи, кейинчалик зардуштийлик таълимоти асосида Авесто китоби, ундан кейинги даврда Ислом ҳуқуқи, чор Россияси ҳуқуқи ва шариат нормалари билан аралаш ҳуқуқ, совет ҳуқуқи ва ниҳоят Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги генезисида амал қилганлиги илмий-назарий жиҳатдан асослантирилган.

I.2. Маънавий зиён тушунчаси азоб билан белгиланиши, зиён етказувчининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) жабрланувчининг онгида ўз аксини топиши ва маълум бир руҳий таъсир этишини англатади. Шунингдек, қонун билан ҳимоя қилинадиган моддий ва номоддий неъматларга зиён етказилиши инсон онгида салбий туйғунинг акс этиши ёки бошидан кечириши (руҳий азоб) шаклида намоён бўлади. Қўрқиш, уялиш, камситилиш ёки руҳий ҳолатнинг бошқача бузилиши азобнинг мазмунини ташкил қилади.

I.3. Маънавий зиённи компенсация қилишга оид нормалар ҳуқуқнинг турли соҳаларида амал қилади. Бироқ унинг миқдорини белгилашда ҳеч бир ҳуқуқ соҳасида аниқ мезон ва ўлчамлар мавжуд эмас ва амалда ҳар бир ҳуқуқ соҳасида бундай мезонларнинг белгиланиши ҳам тўғри эмас. Зеро бу ҳолат маънавий зиённи тушуниш ва уни компенсациясига нисбатан турлича талқинларни юзага келтиради. Ҳозирда маънавий зиён учун компенсация миқдорини белгилашда фуқаролик ҳуқуқи ва меҳнат ҳуқуқида мезонлар мавжуд. Бироқ улар ўртасида ўзаро умумийлик билан бирга зиддиятлар мавжудлиги инкор этилмайди. Жумладан, меҳнат ҳуқуқида маънавий зиён миқдори «иш берувчининг хатти-ҳаракатига берилган баҳо»га асосланиши ва унинг миқдори «ходимнинг ойлик иш ҳақидан» кам бўлмаслиги мезони асосида белгиланса, фуқаролик ҳуқуқида «руҳий азобларнинг хусусияти» ва «зиён етказувчининг айби даражаси» ва бошқа мезонлар асосида аниқланади. Ҳуқуқ соҳалари ўртасидаги бундай фарқланиш маънавий зиёнга оид комплекс институтнинг моҳиятидаги бирлик ва узвийликка салбий таъсир кўрсатади. Шу боис маънавий зиённинг миқдорини аниқлаш мезонлари зиён қайси ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқишидан қатъи назарда фуқаролик ҳуқуқи нормалари асосида белгиланиши концепциясини ишлаб чиқилиб, бунда унинг компенсаторлик вазифаси фуқаролик қонунчилиги нормаларига юклатилиши зарурлиги асосланди.

I.4. Маънавий зиён компенсация миқдорини аниқлашда асосий мезон – ғайриқонуний (қонунда белгиланган ҳолатларда эса қонуний) хатти-ҳаракатнинг оқибати – жисмоний шахснинг бошидан ўтказган изтироблари, жисмоний ва руҳий азоблар даражаси инобатга олиниши лозим. Бироқ амалда буни белгилашнинг имкони мавжуд эмаслиги, бу ҳолат ҳар бир индивиднинг бармоқ излари бошқа такрорланмаслиги каби унинг ички кечинмаларини битта қолип ва стандартга қўйиб бўлмаслиги билан белгиланади. Шу сабабли маънавий зиён миқдорини белгилашнинг

дуалистик ёндашувини татбиқ этиш мақсадга мувофиқ. Биринчи ёндашув маънавий зиён шаън, кадр-қиммат ва ишчанлик обрўсига етказилганда, унинг миқдорини белгилаш ва ўлчашнинг имкони бўлмаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган амалдаги баҳолаш тизимида ифодаланади. Иккинчи ёндашув эса, фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига зиён етказилганда, ҳамда ноқонуний жиноий мажбурлов чораларининг қўлланилиши оқибатидаги маънавий зиён учун компенсация миқдорларини қатъий белгилаш тизимида намоён бўлади.

I.5. Фуқаролик ҳуқуқида зарар категорияси реалликка асосланади ва шундан келиб чиқиб ҳақиқий зарар ва бой берилган фойдага бўлинади. Бироқ бундан фарқли равишда маънавий зиённи «зарар категорияси» билан узвий боғлаш ва фақат деликт муносабати сифатида талқин этиш мумкин эмас. Чунки маънавий зиён реаллик ва бузилган ҳуқуқни тиклаш чораси сифатида эмас, балки компенсаторлик воситаси сифатида намоён бўлади. Компенсаторлик эса ҳуқуқ бузилишининг миқдори ва ҳажмига тенг саналмайди, балки жабрланувчи учун юпанч вазифасини бажарувчи чора сифатида кўрилади ва бунда ҳар доим ҳам зиён миқдорини аниқ ўлчаш имкони мавжуд эмас, балки қонунчиликда мавжуд бўлган умумбаҳоловчи категориялар: оқилоналик, адолат ва ҳалоллик категориялари асосида компенсация миқдорини белгиланиши қабул қилинган. Шу жиҳатдан маънавий зиён бузилган ҳуқуқни тиклаш чораси эмас, балки компенсаторлик чораси сифатида талқин этиш мақсадга мувофиқдир.

I.6. Фуқаролик ҳуқуқий институтлар тизимида маънавий зиён учун компенсация ундиришнинг тутган ўрнини аниқлаш муҳим ўрин тутди. Фуқаролик ҳуқуқининг аънавий категориялари, институтлари тизимига эътибор қаратадиган бўлсак, улар муайян қонуниятлар ва тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг яхлитлиги билан ажралиб туради. Шу боис мулк ҳуқуқи, мажбурият ҳуқуқи, интеллектуал мулк, ворислик институтлари, шунингдек шартномали мажбуриятлар, деликт мажбуриятлари субинститутларини санаб ўтганда, маънавий зиён мазкур тизимнинг қайси қисмига жойлаштириш муаммоси юзага келади. Назаримизда, маънавий зиён учун компенсация ундириш фуқаролик ҳуқуқида юқорида санаб ўтилган институт ва субинститутларга қараганда, нисбатан кечроқ вужудга келганлигини ҳамда ўтган асрнинг охирларига келиб ҳуқуқий тизимларда муҳим ўрин эгаллаганидан келиб чиқиб, уни фуқаролик ҳуқуқининг ноанъанавий институти сифатида талқин этиш мақсадга мувофиқдир. Чунки маънавий зиёнга нисбатан фуқаролик ҳуқуқида мавжуд бўлган қоидалар, қонуниятлар, категория ва ёндашувлар стандарт ҳолда ва бир хилда қўлланилиши бир мунча баҳсли саналади. Бундан ташқари, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт сабоқларини инобатга олиш лозимки, муайян ҳуқуқ соҳасидаги институтларни аънавий ва ноанъанавий институтларга бўлиш, цивилистик тафаккурининг ривожланиш босқичлари билан боғлиқ, албатта. Бу эса муайян давр ўтиши билан ноанъанавий ҳисобланган институтларнинг аънавий институтларга айланиши орқали юз бериши мумкин.

I.7. Маънавий зиён компенсаторлик чораси сифатида ҳисобланар экан, унга нисбатан деликт субинститутига хос бўлган «қоплаш» терминини қўллаш номақбулдир. Чунки, қоплаш атамаси ҳақиқий зарарга нисбатан қўлланиладиган термин бўлиб, маънавий зиённинг аниқ миқдорини ўлчаш ва аниқлаш мумкин бўлмаганлиги сабабли, унга нисбатан компенсация тўлашни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Шу боис «Маънавий зиённи қоплаш» иборасининг ўрнига «маънавий зиён компенсацияси» иборасини қўллаш зарур.

I.8. Маънавий зиён тушунчасини тор ва кенг маънода тушуниш ва талқин этиш мумкин. Тор маънода маънавий зиён шахснинг номоддий манфаатларига путур етиши ёки унинг руҳий изтироблари ва ахлоқий азоблари сифатида тушунилса, кенг маънода маънавий зиён шахснинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари ҳар қандай бузилиши натижасида унинг талаб қилиши мумкин бўлган ҳуқуқлари доираси сифатида англашилади.

I.9. Маънавий зиён тушунчаси учун белгиланган, муҳим ўрин тутадиган жиҳат уни ифодаловчи атамаларни аниқ белгилаш ҳисобланади. Чунки жабрланувчи, ҳуқуқи бузилган шахс талаб этаётган, ундирилиши сўралаётган зарарнинг «маънавий зиён» эканлиги айнан мазкур белгилар, жиҳатларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигига қараб аниқланади. Бунда шахс компенсацияни талаб этаётган, ҳуқуқбузарнинг айбли ҳаракати натижасида вужудга келган оқибат моддий ёки номоддий – маънавий тус касб этишини аниқлаш учун қайси мезонларга таяниш лозимлигини ҳуқуқни қўлловчи билиши, бунинг учун қонунчиликда маънавий зиённи тавсифловчи ҳуқуқий атамалар ва белгилар бўлиши лозим.

I.10. Жисмоний оғриқ маънавий зиён учун иккиламчи тус касб этади ва у руҳий азобларнинг оқибати бўлиб ҳисобланади. Чунки фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига зиён етказиш моддий кўринишга эга бўлади ва соғлиқни тиклаш учун қилинадиган харажатлардан ташкил топади. Бироқ руҳий азоблар кишининг ички кечинмалари ва изтиробларида ифодаланади ва унинг ташқи кўринишигина жисмоний оғриқларда намоён бўлади. Жисмоний оғриқлар ҳар доим ҳам шикастланиш билан ифодаланмаслиги мумкин. Жисмоний оғриқлар ва маънавий зиён иқтисодий мазмунга эга эмас ва улар компенсациялаш тусига эга.

I.11. Маънавий зиён деганда, фуқарога (жабрланувчига) нисбатан содир этилган ноқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида у бошидан ўтказган руҳий азоб ва (ёки) жисмоний оғриқлар тушунилади. Маънавий зиён, уни етказувчининг айби бўлган тақдирда (айрим ҳолларда айб бўлмаганда ҳам) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда суд томонидан ундирилади.

I.12. Фуқарога нисбатан содир этилган ҳар қандай қонунга хилоф ҳаракат (ҳаракатсизлик) оқибатида унга маънавий зиён етказилиши мумкин. Агар маънавий зиён фуқаронинг фақат шахсий номулкий ҳуқуқлари ва бошқа номоддий неъматларига тажовуз қилиниши оқибатида етказилади дейиладиган бўлса, унда фуқаронинг моддий неъматларига қилинган тажовуз натижасида етказилган маънавий зиён учун компенсация ундириш масаласи

назардан четда қолади. Шу боис фуқаронинг мол-мулки шикастланиши натижасида ҳам маънавий зиённи компенсация қилиш масаласи қўлланилиши лозим.

1.13. Интернет тармоғи орқали етказилган маънавий зиённи компенсациялашни ҳуқуқий тартибга солиш бугунги қонунчиликда ривожланиш даражасидан келиб чиқадиган бўлса, ҳали шаклланиш босқичидадир. Ҳозирда интернет тармоғида тарқалаётган кишининг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини камситадиган маълумотларнинг тарқалиши ёки бошқа маънавий зиён етказилиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатларнинг содир этилаётганлиги ҳолатлари кўплаб учраб турибди. Бироқ бу ҳолатларда етказилган маънавий зиён компенсация қилишда зиён етказувчини аниқлашдаги муаммолар интернет тизимида ўзга шахс номидан ёки мутлақо сохта ном остидаги сайт очиш, хабар қолдириш ёки одатдаги тарзда аниқлаш мумкин бўлмаган мураккаб тизимли маълумотлар қолдириш билан боғлиқдир. Амалдаги қонунчиликда интернетдаги ижтимоий тармоқларда хабар қолдиришни ҳуқуқий тартибга солишга оид қонун ҳужжати мавжуд эмас. Бу эса айни пайтда ижтимоий тармоқларда тарқалган ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар тарқатилиши оқибатда етказилган маънавий зиённи компенсациясига нисбатан «кибер ҳуқуқ» қоидалари ва механизмларини такомиллаштириш, миллий ва халқаро қонунчилик даражасида сайт ва ижтимоий тармоқ эгаларининг мажбуриятлари ва жавобгарлигининг аниқ тартиб-таъминини белгилашни тақозо этади.

II. Қонун ижодкорлигига оид хулосалар:

II.1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга оид таклифлар:

1) Фуқаролик кодексига 14¹ - модда киритиб, маънавий зиённинг тушунчаси таклиф этилди.

14¹-модда. Маънавий зиён

Ноқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида фуқарога (жабрланувчига) маънавий зиён етказилса, у бундай зиён учун компенсация тўлашни сўраб судга мурожаат этиши мумкин.

Маънавий зиён деганда, фуқарога (жабрланувчига) нисбатан содир этилган ноқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида у бошидан ўтказган руҳий азоб ва (ёки) жисмоний оғриқлар тушунилади.

Ноқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида шахсий номулкий ҳуқуқлари ёки бошқа номоддий неъматлари ёхуд мулкый ҳуқуқлари бузилган фуқаро маънавий зиённи бошидан кечирган ҳисобланади, агар зиён етказувчи бунинг аксини исботламаса.

2) Фуқаролик кодексининг 100-моддаси учинчи қисмига «оммавий-ахборот воситаларида» жумласидан кейин «ижтимоий тармоқларда» жумласини киритиш лозим бўлади. Бундай ўзгартиш бугунги кунда интернетда маълумот ва фикр беришда ўзга шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаслик бўйича қоидага риоя этиш масъулиятини яна оширади.

3) Маънавий зиён учун компенсация тўлаш бўйича таҳлиллар натижасида Фуқаролик кодексининг 100-моддаси саккизинчи қисми ва мазкур модданинг тўққизинчи қисми ўртасида қарама-қаршилик борлигини кўриш мумкин. Зеро Фуқаролик кодексининг 100-моддаси тўққизинчи қисмида фуқарога етказилган маънавий зиённи компенсация қилишга оид қоидалар юридик шахсга нисбатан ҳам қўлланилиши белгиланган. Мазкур зиддиятни бартараф этиш мақсадида Фуқаролик кодексининг 100-моддаси тўққизинчи қисмининг охирига «маънавий зиён компенсацияси бундан мустасно» жумласини киритиш мақсадга мувофиқдир.

4) Фуқаронинг шахсий номулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули сифатида маънавий зиён учун компенсация тўлашга оид миллий қонунчиликда аниқ нормалар мавжуд эмас. Бу ҳолат эса шахсий номулкий ҳуқуқларни самарали ҳимоя қилиш ва бунда маънавий зиён учун компенсация ундириш чорасини қўллашда аниқлик киритиш мақсадида Фуқаролик кодексига тегишли нормани киритиш мақсадга мувофиқ. Фикримизча, бундай норма Фуқаролик кодекси 100¹-моддаси сифатида қуйидаги таҳрирда белгиланиши лозим:

100¹-модда. Номоддий неъматларга тажовуз қилиниши оқибатида етказилган маънавий зиён компенсацияси

Агар фуқарога унинг шахсий номулкий ҳуқуқларини бузувчи ёки унга тегишли номоддий неъматларга хавф солувчи ҳаракатлар натижасида маънавий зиён (руҳий азоблар ва (ёки) жисмоний оғриқ) етказилган бўлса, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда суд ҳуқуқбузар зиммасига ушбу зиён етказганлик учун пул компенсацияси тўлаш мажбуриятини юклаши мумкин.

Суд маънавий зиён етказганлик учун компенсация миқдорини белгилашда ҳуқуқбузарнинг айби даражаси ва бошқа эътиборга молик ҳолатларни ҳисобга олади. Шунингдек, суд зиён етган фуқаронинг шахсий хусусиятларидан келиб чиқиб, унинг жисмоний ва руҳий азобланиш даражасини ҳам эътиборга олади.

5) Ташишдан келиб чиқадиган муносабатларда истеъмоличиларга етказиладиган маънавий зиён учун компенсация ундиришни аниқлаштириш мақсадида Фуқаролик кодексининг 718-моддасининг иккинчи қисмини қуйидаги мазмунда белгилаш зарурлиги асослантирилди:

«Транспорт ташкилотларининг йўловчилар ва юк эгалари билан ташувчининг қонунда белгилаб қўйилган жавобгарлигини чеклаш ёки бартараф этиш ҳақидаги келишувлари ҳақиқий эмас, бундай келишув тузилиши тўғрисида транспорт уставлари ва кодексларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно».

6) Фуқаролик кодексининг 991-моддасига кўра белгиланадиган жавобгарлик ҳуқуқ-тартибот органларининг барча ғайриқонуний ҳаракатлари бўйича вужудга келиши лозим. Назария ва амалиётда бу борадаги баҳс мунозараларнинг олдини олиш мақсадида Фуқаролик кодекси 991-моддасига ўзгартиш киритиб, жавобгарлик келиб чиқиши мумкин бўлган ҳолатларга қўшимча «суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд органларининг

конунга хилоф равишда тинтув ўтказгани, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллагани, телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриши»ни киритиш лозим деб ҳисоблаймиз.

7) Фуқаролик кодексининг 991-моддаси биринчи қисми иккинчи жумласида белгиланган қоида ҳуқуқий ва мантиқий жиҳатдан тўғри эмас. Биринчидан, унда «Суднинг қарори билан зарарни коплаш зарар етказилишида айбдор бўлган мансабдор шахслар зиммасига юкланиши мумкин» деб белгиланган. Иккинчидан, ҳар қандай ҳолатда ҳам мансабдор шахслар фуқарога етказилган моддий зарар ва маънавий зиённи тўла ҳажмда компенсация қилиш имкониятига эга бўлмаслиги мумкин. Учинчидан, зиённи давлатдан ундирилиши тегишли ноқонуний ҳужжатни қабул қилган мансабдор шахснинг давлат номидан ва унинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилганлигидан келиб чиқади. Шу сабабли Фуқаролик кодексининг 991-моддаси биринчи қисми иккинчи жумласини чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

8) Фуқаролик кодекси соғлиққа зиён етказилиши натижасида етказилган маънавий зиён учун компенсация тўлаш белгиланмаганлиги сабабли, унга қўшимча 1010¹ – модда киритиб, қуйидаги таҳрирда баён этиш таклифи берилади.

«1010¹ – модда. Соғлиққа шикаст етказилиши оқибатида маънавий зиён компенсацияси миқдори

Фуқаронинг соғлиғи шикастланиши натижасида унга етказилган маънавий зиён компенсацияси миқдори меҳнат қобилиятини тиклашга кетган ҳар бир кун учун базавий ҳисоблаш миқдори баробарида ҳисобланади. Соғлиқ шикастланиши оқибатида етказилган маънавий зиён компенсацияси миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг минг баробаридан ортиқ бўлмаслиги лозим.

9) Фуқаролик кодексининг 57-боби 4-параграфини янги таҳрирда қабул қилиш таклиф этилди. Бунда бобнинг номини ўзгартиш ва маънавий зиён компенсация белгилашнинг аниқ мезонлари ҳамда маънавий зиён етказилиш хавфи юқори бўлган ҳолатларда уни компенсация қилиш шартлари ишлаб чиқилди (Фуқаролик кодексининг 57-боби 4-параграфини янги таҳрир диссертацияга илова қилинади).

10) Бугунги кунда фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимоясига нисбатан интернет тармоғидаги хавф-хатарларнинг юқори эканлигидан келиб чиқиб, Фуқаролик кодексига «Интернет тармоғида етказилган маънавий зиён учун компенсация тўлаш» номли алоҳида моддани киритиш зарурати мавжуд. Бу нормада интернет тармоғидаги сайт ёки ижтимоий тармоқ эгасининг фуқаронинг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини камситадиган маълумотларни жойлаштирмаслик ёки маънавий зиённи келтириб чиқарувчи маълумотларни тарқатмаслик мажбуриятини юклаш ва уни бажармаган ҳолларда етказилган маънавий зиён учун жавобгарликни белгилаш лозим. Бу вазиятда сайт ёки ижтимоий тармоқ эгаси зиён етказувчи ким эканлиги

ҳақида аниқ маълумотларни бериши ёки маънавий зиён учун компенсация тўлаши лозим бўлади.

1022²-модда. Интернет тармоғида етказилган маънавий зиён компенсацияси

Интернет тармоғидаги сайт ёки ижтимоий тармоқ эгаси фуқаронинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини камситадиган маълумотларни жойлаштирмаслиги ёки маънавий зиённи келтириб чиқарувчи маълумотларни тарқатмаслиги лозим. Бундай маълумотларни жойлаштирган ёки тарқатган шахс фуқарога етказилган маънавий зиённи компенсация қилиши шарт.

II.2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритишга оид таклифлар:

1) Меҳнат муносабатларидан келиб чиқадиган маънавий зиён компенсациясини такомиллаштириш мақсадида Меҳнат кодексининг 187-моддаси иккинчи қисмидаги пулдан бошқа усулларда ҳам компенсация қилиш мумкинлиги ҳақидаги қонундан чиқариб ташлаш таклиф этилди.

2) 112-модданинг иккинчи қисмида тўртинчи хатбошисини “қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар асосида” деган сўзлар билан тўлдириш таклиф этилади.

II.3. Ўзбекистон Республикаси «Истеъмомчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 22-моддасига шартномавий ва шартномадан ташқари жавобгарлик ўртасидаги аниқ чегарани белгилаш имкониятини берувчи ўзгартишлар киритиш лозим. Шу боис мазкур қонуннинг 22-моддаси янги таҳрири таклиф этилди: «Муҳим камчиликлар ва нуқсонга эга товар (иш, хизмат)дан фойдаланиш натижасида истеъмомчи ҳаёти, соғлиғи ёки мулкига зиён етказилганида, истеъмомчи (жабрланувчи) маънавий зиён учун компенсация тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Маънавий зиён учун тўланадиган ҳақ миқдорини суд белгилайди».

II.4. Жисмоний шахс томонидан товар (иш, хизмат кўрсатиш) учун тузилган ҳар қандай шартномалар шартлари тегишли тартибда бажарилмаса унга нафақат моддий зарар, балки маънавий зиён ҳам етказилиши мумкин. Томонлар ўртасида имзоланаётган шартномаларда ўзаро келишувга асосан етказилган маънавий зиён компенсация миқдорини назарда тутувчи норма киритишлари ва уни имзолувчилар ўз ихтиёрлари билан ижро этишлари мумкин. Агар шартномада бундай норма назарда тутилмаган бўлса, фуқаро (жабрланувчи) ўзига етказилган маънавий зиённи суд орқали амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда ундириб олиши мумкин. Бундай маънавий зиён жабрланувчига қонунда белгиланган тартибда компенсация қилиниши лозим.

II.5. Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суднинг фуқароларга нисбатан ҳар қандай қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида етказилган маънавий зиён компенсация қилиниши лозим. Бундай зиён давлат ғазнаси томонидан жабрланувчига тўланиши керак. Масаланинг муҳимлигини ҳисобга олиб етказилган зиённи

тўлаш муносабатини тартибга солишга қаратилган қонун қабул қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

III. Ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга оид хулосалар:

III.1. Маънавий зиён учун компенсация талаб қилганда, зиён етказган шахс ўзининг айбсиз эканлигини исботлаши лозим бўлади. Бунда жабрланувчи ўзига маънавий зиён, яъни етказилган руҳий азоб ва жисмоний оғриқлар мавжудлигини асословчи далилларни тақдим этиши талаб этилса, зиён етказувчи ўзининг айбсиз эканлигини исботловчи далилларни тақдим этиши зарур ҳисобланади. Зиён етказувчининг айбсиз эканлиги фақат унинг ўзи томонидан исботлансагина, суд маънавий зиённи ундириш тўғрисидаги даъвони қаноатлантиришни рад этиши мумкин.

III.2. Маънавий зиён учун компенсация олишни тартибга солишга қаратилган Олий суд Пленумининг қарори 2000 йилда қабул қилинган бўлиб, бугунги цивилистик тафаккур ҳамда қонунчилик ривожланиш даражасига тўлиқ мос келмайди. Қарорда маънавий зиённинг компенсаторлик функцияси ва унинг комплекс ҳуқуқий институт эканлиги инобатга олинмаган. Шу боис мазкур қарорнинг янги лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқ (қарор лойиҳаси диссертацияга илова қилинади).

III.3. Маънавий зиён учун компенсация ундиришга нисбатан суд амалиётининг бир хиллигини таъминлаш мақсадида ундириладиган компенсация миқдорларини тизимини ишлаб чиқиш лозим. Бунда Олий суд Пленумининг тегишли қарорига иккита илова ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш лозим. Биринчи иловада фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига зиён етказилиши оқибатида фуқарога етказилган маънавий зиён учун тўланадиган компенсация миқдорлари соғлиққа етказилган шикастларнинг оғирлик даражасидан келиб чиқиб белгиланиши лозим. Иккинчи илова эса ноқонуний жиноий таъқиб оқибатида етказилган маънавий зиён учун тўланадиган компенсация миқдорларининг тизимидан иборат бўлиши зарур.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.07/30.12. 2019.Yu.22.01. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ЮРИДИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЮРИДИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ҲАМРОКУЛОВ БАХОДИР МАМАШАРИФОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОСНОВ КОМПЕНСАЦИИ
МОРАЛЬНОГО ВРЕДА**

12.00.03 – Гражданское право. Предпринимательское право.
Семейное право. Международное частное право

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора юридических наук (DSc)

Ташкент – 2020

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Content of the doctoral (DSc) dissertation abstract

Ҳамрокулов Баҳодир Мамашарифович

Маънавий зиённи қоплаш асосларини такомиллаштириш3

Ҳамрокулов Баҳодир Мамашарифович

Совершенствование основ компенсации морального вреда
.....32

Hamrokulov Bahodir Mamasharifovich

Improving the basics of compensation for moral damage
.....61

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works
.....66

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2019.4.DSc/Yu117.

Докторская диссертация выполнена в Университете мировой экономики и дипломатии.

Автореферат диссертации размещён на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Научного совета (www.tsul.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Рашидов Комил Каюмович**
доктор юридических наук, профессор

**Официальные
оппоненты:** **Насриев Илхом Исмоилович**
доктор юридических наук, профессор

Имомов Нурилло Файзуллаевич
доктор юридических наук, профессор

**Абдурахмонова Хосиятхон Бахтиёржон
кизи**
доктор юридических наук

Ведущая организация: Центр повышения квалификации юристов при
Министерстве юстиции Республики
Узбекистан

Защита диссертации состоится 14 октября 2020 года в 10:00 часов на заседании Научного совета DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 при Ташкентском государственном юридическом университете (Адрес: 100047, г. Ташкент, улица Сайилгох, 35. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (998971) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного юридического университета (зарегистрировано за №___) (Адрес: 100047, г. Ташкент, ул.А.Тимура, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Автореферат диссертации разослан «29» сентября 2020 года.
(протокол реестра №__ от «__» сентября 2020 года).

И.Р. Рустамбеков
Председатель Научного совета по
присуждению степеней, доктор
юридических наук, и.о. профессора

Д.Ю. Хабибуллаев
Секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, кандидат
юридических наук, профессор

С.С. Гулямов
Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых

степеней, доктор юридических наук,
профессор

ВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире формируются новые подходы к обеспечению прав и свобод личности, эффективной защите прав и интересов граждан. При этом наряду с возмещением материального ущерба гражданам, особое внимание уделяется разработке и практическому применению конкретных и реальных механизмов выплаты компенсации морального вреда. В частности, в странах Европейского Союза и США наблюдается традиция точного определения размера компенсации морального вреда в определенных направлениях. Например, подобная практика определена в гражданском законодательстве таких стран, как Франция, Великобритания, Бельгия, Нидерланды, Италия.

В мировой практике юриспруденции компенсация морального вреда имеет комплексный характер и рассматривается в качестве института, возникающего из различных правоотношений. Однако основные правила, основания и порядок компенсации морального вреда отличаются тем, что они выражены в нормах гражданского права. Поэтому, при определении наличия морального вреда в конкретной ситуации и определении его размера, нормы гражданского законодательства имеют верховенство в качестве основного критерия. Кроме того, в большинстве действующих правовых систем мира, в целях решения проблем при компенсации причиненного морального вреда, устранения различий в определении его размера, уделяется внимание разработке определенных общих рекомендаций для правоприменительной практики, в частности судебной практики.

Тем не менее, в современной практике одним из основных критериев компенсирования морального вреда и определения его размера применяются оценочные категории гражданского права: разумность и справедливость, что становится причиной индивидуального толкования каждым лицом. Поэтому в мировой практике юриспруденции существуют такие проблемы, как разработка для правоприменителей рекомендаций по раскрытию данных категорий, их применению, созданию в условиях цифровой реальности эффективных правовых механизмов компенсации причиненного морального вреда гражданам через сети Интернет.

На сегодняшний день в судебной практике нашей страны наблюдается тенденция увеличения взыскания размера компенсации морального вреда. В разрезе годов количество дел, связанных с моральным вредом, и размеры взысканной компенсации таковы: в 2016 году рассмотрено 177702 дела и взыскано 7 млрд 149 млн 091 тыс. 181 сум, в 2017 году рассмотрено 198242 дела и взыскано 6 млрд 667 млн 049 тыс. 411 сум, в 2018 году рассмотрено 112035 дел, взыскано 5 млрд 752 млн 353 тыс. 481 сум, в 2019 году рассмотрено 138229 дел, взыскано 12 млрд 874 млн 487 тыс 638 сумов, в первом полугодии 2020 года рассмотрено 51897 дел и взыскано 5 млрд 741 млн. 554 тыс. 426 сум¹.

¹ Письмо Верховного Суда Республики Узбекистан от 14 июля 2020 г. № 07 / 14-182.

Основные проблемы компенсации морального вреда в Узбекистане связаны с формированием легального определения понятия морального вреда и определением его размера. Во многих случаях разница между суммой, требуемой истцами к компенсации в связи с моральным вредом, и суммой, взысканной в судебных решениях, весьма значительна. Это связано, во-первых, с отсутствием в законодательстве четких правил понимания природы морального вреда и определения его размера, а во-вторых, объясняется практическим полным отсутствием возможности предоставления конкретных доказательств и доводов, доказывающих наличие морального вреда. Поскольку, в законодательстве нет четких указаний относительно того, в чем выражаются психические страдания и (или) физическая боль, и в каких документах можно найти доказательства их причинения. В связи с разнообразием научно-теоретических подходов относительно морального вреда, отсутствием единства в определении рамок отношений, из которых может возникнуть моральный вред, связью морального вреда во многих случаях с душевными страданиями, невозможности разработки четких критериев измерения душевных страданий, проблемы с определением размеров компенсации за моральный вред на сегодняшний день имеют актуальное значение.

Президент Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёев о соблюдении Конституции и законов Республики Узбекистан в качестве повседневной привычки и обычая, отмечает следующее: «Мы должны сформировать в нашем обществе такую правовую культуру, при которой соблюдение Конституции и законов, уважение прав и свобод, чести и достоинства человека будет не обязанностью, а неотъемлемой частью повседневной жизни»¹.

В качестве свидетельства подобного концептуального подхода требование о компенсации морального вреда за нарушение чести и достоинства граждан, связано, как определено в статье 13 Конституции Республики Узбекистан, с приоритетностью человека, его жизни, свободы, чести, достоинства и других неотъемлемых прав. В нашей стране сформировано определенное законодательство о взыскании компенсации морального вреда. В частности, данное диссертационное исследование в определенной мере послужит реализации задач, определенных в Гражданском кодексе Республики Узбекистан (1995, 1996), Трудовом кодексе (1995), Законах «О защите прав потребителей» (1996), «Об обращениях физических и юридических лиц» (2017), «О туризме» (2019), «О защите женщин от притеснения и насилия» (2019), «О профессиональных союзах» (2019), Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» №УП-4947, Распоряжении от 5 апреля 2019 года «О мерах по совершенствованию гражданского законодательства Республики Узбекистан» №Р-5464, и иных отраслевых нормативно-правовых актах.

¹ Доклад Президента Шавката Мирзиёева на торжественном собрании, посвященном 26-летию принятия Конституции Республики Узбекистан / <https://uza.uz>

Соответствие исследования приоритетным направлениями развития науки и техники республики. Данная диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и техники республики

I. «Духовно-нравственное и культурное развития демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации¹.

Научные исследования по совершенствованию основ компенсации морального вреда проводятся в ведущих научных центрах и университетах мира, в частности University of Pennsylvania, University of Florida, Harvard Law School, University of Chicago, Princeton University, Yale University, Columbia University (США); University of Cambridge, Oxford University, Cornell University (Великобритания); University of British Columbia (Канада); Sarbonne University (Франция); University of Bergen Norway (Норвегия); Hebrew University of Jerusalem (Израиль); University of Brussels (Бельгия); Victoria University of Wellington (Новая Зеландия); Санкт-Петербургском государственном университете, Московском государственном университете международных отношений, Южно-Уральском государственном университете, Белгородском государственном университете национальных исследований (Российская Федерация); Ташкентском государственном юридическом университете, Университете мировой экономики и дипломатии (Узбекистан).

По результатам исследований о совершенствовании основ компенсации морального вреда были получены следующие: в частности, изучены вопросы компенсации морального вреда, причиненного физическим лицам в результате военных конфликтов (University of Pennsylvania); разработаны подходы, учитывающие стоимость компенсации морального вреда и его стандартные показатели в правоотношениях (University of Cambridge); освещены вопросы компенсации морального вреда в результате психической травмы и стресса (Oxford University); изучены вопросы компенсации морального вреда, в договорных обязательствах (Harvard Law School); разработана единая концептуальная модель психической агрессии и насилия на рабочем месте и связанных с ними психических страданий (University of Chicago); изучены основы взыскания морального вреда, причиненного в результате загрязнения окружающей среды (Princeton University); разработано определение размеров сумм компенсации психологического вреда (травмы) (Yale University); раскрыты вопросы компенсации морального вреда, причиненного в результате незаконного применения уголовного наказания (Columbia University); определены медицинские и правовые индикаторы морального вреда (Sarbonne University); изучены вопросы нравственного и морального вреда (повреждения) (University of Bergen Norway); выявлены способы компенсации морального вреда в судебной

¹ Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации <https://www.upenn.edu>; <https://www.cambridge.org>; <https://search.ufl.edu>; <https://www.ox.ac.uk>; <https://www.uchicago.edu>; <https://www.princeton.edu>; <http://www.tsul.uz> и др.

